


ТАҚРИЗЛАР

ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ УЧУН МУҲИМ МАНБА

(А. Акбаров, И. Тўхтасиновларнинг “Чет тилини ўқитишдаги ёндашув ва усуллар: назариядан кўникмагача” китобига тақриз)



Ўзбекистонда сўнгги йилларда чет тилларни ўргатиш борасида туб ислохотлар амалга оширилди, ҳукуматнинг махсус қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Бу эса мазкур соҳадаги ишлар кўламини янада кенгайттирди, чет тилларини ўқитиш ва уларни илмий тадқиқ қилишда сезиларли ютуқларга эришилди. Филология фанлари доктори Азамат Акбаров ва филология фанлари номзоди Илхом Тўхтасиновларнинг “Чет тилини ўқитишдаги ёндашув ва усуллар: назариядан кўникмагача” ўқув қўлланмаси ҳам

ушбу йўналишдаги янги изланишлардан бири бўлиб, у ўзининг бутун мазмун-моҳияти, тузилиши, концепцияси билан замонавий ўқув адабиётлари олдига кўйиладиган талабларга жавоб беради.

Китоб 3 бўлимдан иборат бўлиб, ушбу бўлимларда тил ўқитишдаги назария ва ёндашувлар, тил ўқитиш методларининг тарихи, асосий хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, назарий фаразлари, усуллари, баҳолаш усуллари таҳлилий кўриб чиқилган, тил кўникмаларига ўргатиш ва унинг тақрибий қисмлари батафсил изоҳланган. Муаллифлар бу фикрларни шунчаки келтирмаган, балки уларнинг ҳар бирига шахсий муносабатини ёритган ҳамда зарурий таҳлилларни амалга оширган. Муаллифлар ҳар бир назария, ҳар бир ёндашув, ҳар бир методни алоҳида изоҳлар эканлар, унинг ютуқли томонларини ёритиб бериш билан биргаликда камчиликларини ҳам кўрсатиб берганлар.

Китобдаги материаллар хронологик тартибда, мантиқий изчилликда берилган бўлиб, зарурий изоҳлар ва шарҳлар билан таъминланган. Бу эса, ўз навбатида ўқув қўлланманинг қизиқарли ва тушунарли бўлишига сабаб бўлган.

Муаллифлар тил ўқитиш назариялари ва ёндашувлари сифатида бихевиоризм, когнитивизм, гуманистик назария, коннекционизм назарияси ва

уларнинг вакиллари кўрсатишади. Улар мазкур назарияларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини шарҳлаб, ҳар ҳолда улардан тил ўргатиш жараёнида фойдаланиш мумкин, деган хулосага келадилар. Айниқса, Виготский, Маслов, Рожерс, Пиаже назарияларининг айрим жиҳатларидан ҳозирги таълим жараёнида ҳам фойдаланиш зарурлиги таъкидланади. Ва бу тўғри таъкид.

Структурал тилшуносликдаги эмпирик ёндашувга асосан ишлаб чиқилган ўзига хос шиорлар тил ўқитишда ҳақиқий ислохот бўлганлиги ўқув қўлланмада яхши очиб берилган. Структурал тилшуносликда асосий шиор ҳисобланган “тил ёзув эмас, нутқдир”, “тил одатлар мажмуасидир”, “тил ҳақида эмас, тилнинг ўзини ўргатинг” кабиларнинг тил ўрганишдаги аҳамияти таҳлил қилиниб, бу жараёнда айнан нималарга эътибор қаратиш зарурлиги очиб берилган.

Рационал ёндашувда тил ўрганишнинг уч рационал истиқболли йўли ёритилган. Умумий (универсал) грамматика изоҳланар экан, тил ўрганиш биологик механизмлар томонидан бошқарилиши, ҳар бир тилнинг ўз параметрлари мавжудлиги ва тилшунослик маълумотлари асосида ушбу параметрларнинг ички тузилиши ўрганилиши, умуман, универсал грамматика асосида периферик грамматикани ўрганиш осон кечиши таъкидланади. Бу таҳлилларни ҳам қўллаб-қувватлаш мумкин.

Чет тилини ўргатишдаги энг қизиқарли ва мақбул ёндашувлар сифатида “Крашеннинг киритиш модели”ни таърифлашади. Унга кўра, дарснинг асосий вазифаси тушунарли бирлик – киритиш (яъни, уни бериш)дан иборат бўлиши зарур. Энг мақбул тил бирликларини киритиш талаблари сифатида қуйидагилар қайд қилинади, бирлик: 1) тушунарли бўлиши; 2) ҳаммага қизиқарли бўлиши зарур; 3) талабалар ўзларини эркин ҳис қиладиган муҳитни яратиш лозим; 4) талабалар ўзлари тайёр бўлмагунча улардан иккинчи тилда нутқ сўзлашни талаб қилмаслик керак. Бенуксон сўзлашни ўқитиб бўлмайди, аммо у етарлича тушунарли бирликлар киритилганидан сўнг табиий тарзда содир бўлади; 5) қабул қилиш (ўзлаштириш)нинг амалга ошиши учун ўрганувчи рағбатлантирилган, ўзи ҳақида яхши фикрда ва хавотирдан холи бўлиши лозим. Кўринадики, мазкур ёндашув “моделлари” бугунги кунда ҳам долзарб.

Рационал ёндашувда когнитив назария ғоялари ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, Аузубель таълими мазмунида тил ўрганишнинг фақат икки тури тегишли аҳамиятга эга: хотирада сақлаб ўрганиш ва маъноли ўрганиш (Бу ўринда, бизнингча, термин нотўғри таржима қилинган,

аслида мазмун асосида ўрганиш бўлиши зарур эди). Хотирада сақлаб ўрганиш сўзма-сўз бериш (ўтказиш) бўлиб, унда ўрганиладиган атериал когнитив структурага таркибий қисм бўлиб киритилмасдан ёки қўшилмасдан алоҳида олинган маълумот бирлиги сифатида ўрганилади. Хотирада ёдлаб олиб, сақлаб ўрганилган маълумотни агар у мазмун жиҳатидан қайта ишланмаса, ўзгартириб ёки маъносини бошқа сўз ёки иборалар билан қайта бериб бўлмайди. Бошқа томондан қараганда, мазмун жиҳатидан ўрганишни инсон аллақачон билган нарсага боғлаб бўлади ва шунинг учун мавжуд когнитив структурага таркибий қисм сифатида осонгина киритса бўлади. Аузубель ўрганиш мазмун касб этиши учун ўрганувчида ўрганишга иштиёқ бўлиши лозим, яъни ўрганувчида олдиндан билган тушунчасига янги нарсани мазмун билан қўшиш вазифасига иштиёқли ёндашув бўлиши лозимлигини қўшади. Яъни, бунда муҳими материални шундай ташкиллаштириш зарурки, уни эски (ўрганилган) материал билан боғлаш осон бўлсин. Демак, бу ҳар уч йўлни ҳам тил ўрганишдаги истиқболли йўналишлардан, деб ҳисоблаш мумкин.

Тил ўргатишга холистик ёндашув ҳам ўзига хос тарзда очиб берилган. Унга кўра, фонетик кодлаш, яъни фонетик стимулни уни хотирада осон сақлаб қолиш ва таниб олишни таъминловчи усулда кодлаш; гаплардаги грамматик функциялар ва сўзларни таний билиш қобилияти; такрорлаб хотирада сақлаб қолиш: қисқа вақт давомида кўп сонли ассоциацияларни ўрганиш қобилияти ҳам тил ўрганишда муҳим факторлар ҳисобланади. Холистик ёндашувда она тили ва чет тилини ўрганишга кескин чегаралар қўйилмайди.

Функционал ёндашув тамойиллари жуда яхши ва содда усулда очиб берилган. Яъни, бунда тушунчадан эмас, айнан функционал тушунчадан фойдаланиш зарурлиги таъкидланган. Зеро, тушунча концепция ёки ғоядир, у жуда муайянлашган ва умумийлашган бўлиши мумкин. Китобда тушунчанинг бирор функция бажаришини ўрганиш тил ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши қизиқарли мисоллар орқали очиб берилган. Бу ёндашувнинг бир қанча ижобий жиҳатлари билан биргаликда камчиликлари ҳам таҳлил қилинган. Айниқса, бу ёндашувда грамматикага етарлича эътибор берилмаслиги ҳақли равишда танқид қилинган. Зеро, грамматикани бирор бир босқичда ўрганмасликнинг иложи йўқ. Уни тил ўқитиш методларида бутунлай ташлаб қўйиш ва олиб ташлаш мумкин эмас.

Ўқув қўлланманинг II бўлими тил ўқитиш методлари таҳлиliga бағишланган. Унда анъанавий методлар билан бир қаторда янги йўналишлар

ва уларда қўлланилаётган методлар ҳақида таҳлилий маълумотлар берилган. Уларнинг биринчиси албатта, грамматик таржима методи ҳисобланади. Ушбу метод грамматик қоидалар, сўз бойлигини хотирада сақлаш, матнларни таржима қилиш ва ёзма машқлар бажаришдан иборат эди. У XX асрнинг энг оммалашган методи бўлиб қолди. Унга кўра, тил ўқиш, ёзиш ва таржимада қўлланадиган сўз бойлиги ва грамматикадан иборат. Талабаларга тил қоидалари, таржима машқларини ўргатишга мўлжалланган тушунтиришларга асосланадиган бу методнинг мақсади бир тилдан иккинчи тилга таржимани сифатли амалга ошириш бўлганлиги сабабли оғзаки мулоқотга кам эътибор берилган ва масаланинг бу томони оқсаб қолган. Яъни, унда талабалар учун кундалик турмушда ишлатиладиган тил муҳити имкониятлари, хусусан, оғзаки нутқ муҳити мавжуд эмас. Аммо шунга қарамай, бу метод китоб муаллифлари таъкидлаганларидек, ҳозирги кунда таълим соҳасидаги тил ўргатишнинг стандарт методологияси бўлиб қолмоқда.

Китобда изоҳланган кейинги метод она тилининг қатнашувисиз метод, яъни, чет тилини она тилини қўлламасдан ўргатадиган методдир. Унда чет тилини ўрганиш биринчи тилни ўрганиш моделини яратади ва бунда тил “тўғридан-тўғри” ўрганилиши зарур, яъни, грамматик тушунтиришларсиз индуктив тарзда ўргатилади, ўрганувчининг она тили дарсларда умуман қўлланилмайди, янги сўз бирликлари намоёниш этиш йўли билан киритилади. Бу методни ҳам қўлловчилар кўп бўлганлиги сабабли унинг бир неча тармоқлари вужудга келган. Буларга “реформистик ҳаракат”, “тўғридан-тўғри ўрганиш” тармоқларини киритиш мумкин. Бу методнинг муаллифлар таъкидлаган ва бизга ҳам маъқул жиҳатлари: 1) дарсдаги вазифалар фақат ўрганилаётган тилда бўлиши зарур; 2) муайян сўз бойлиги намоёнишлар, жисмлар ва расмлар ёрдамида берилиши ва мавҳум сўзлар ғоялар билан боғлаб ўқитилиши зарур; 3) ҳам грамматикага ҳам тўғри талаффузга урғу берилиши даркор; 4) ўқув дастури лингвистик структураларга эмас, ҳолат ёки шароит ва мавзуларга асосланган бўлиши лозим; 5) маданий хусусиятларга кўп ҳам эътибор бериш керак эмас, тил ўрганаётганда шундоқ ҳам одамлар қандай яшаётганини ўрганса бўлади. Кўринадик, гарчи бу методдан бугунги кунда деярли фойдаланилмаётган бўлса-да, юқорида унинг санаб ўтилган усулларида самарали фойдаланиш мумкин.

Ўқув қўлланмада ситиуционал тил ўқитиш методининг ҳам ютуқ ҳамда камчиликлари яхши таҳлил қилинган. Айниқса, мазкур методнинг Британия структурализмининг бир тури ҳисобланиши, у аввало, ўрганиш

жараёнларини ва сўнгра ўрганиш шароитларини ҳисобга олиши, кўп йиллик изланишлардан сўнг келинган умумий хулоса, яъни, чет тилини ўрганишда тўрт кўникма ва малакаларни амалда қўллаш олиш муҳимлиги таҳлиллар орқали очиқ берилган.

Шунингдек, А.Ақбаров, И.Тўхтасиновлар китобда аудиолингвал ва аудиовизуал методларнинг тил ўқитиш методикаси тарихида тутган ўрни ҳақида фикр юритар эканлар, уларнинг бу тарихда ўзига хос ўринга эга эканлигини тўғри таъкидлайдилар. Аммо бу методни қўллаш учун зарурий технологик воситалар зарурлиги ва уларнинг ҳамма ерда ҳам мавжуд бўла олмаслиги сабабли ундан тил ўқитиш жараёнида фрагментар фойдаланиш мумкинлиги қайд қилинади. Биз ҳам бу борада муаллифларни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, визуал расм слайди ўрганувчи томонидан нутқ фрагментини таҳлил қилиш (тушуниш)нинг кафолати эмас. Бунинг устига, аудиовизуал материаллар ўқитиш методи эмас, балки таълим бериш воситасидир.

Ўқув қўлланмада коммуникатив тил ўқитиш методи XX асрнинг энг оммалашган методи сифатида талқин қилинади. Ҳақиқатан ҳам, коммуникатив тил ўқитиш методининг асосий мақсади ўрганувчилар назарда тутилаётган ҳолат (шароит)ларда коммуникатив эҳтиёжларни қондира билиши учун коммуникатив (мулоқот) қобилиятини оширишдан иборат. Бунда дарсдан кўзланган мақсадлар коммуникатив компетенциянинг барча компонент (грамматик, мулоқот, функционал, социолингвистик ва стратегик)ларига қаратилади. Китобда коммуникатив тил ўқитиш методининг 19та принципи келтириладики, уларнинг ҳар бирини маъқуллаш ва тил ўргатиш жараёнида қўллаш мумкин.

Ўқув қўлланманинг IV боби чет тилини ўқитишдаги янги йўналишлар ва уларда қўлланилаётган методлар таҳлиliga бағишланган. Булардан биринчиси “Умумий ҳатти-ҳаракат жавоби методидир. Бу метод тил ўқитишнинг нутқ ва ҳаракатни координация қилиш атрофида тузилган метод бўлиб, у тилни жисмоний (ҳаракат) фаолияти билан ўқитишга қаратилган. Методнинг назарий асослари америкалик олим Жеймс Ашер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, китоб муаллифларининг фикрича, Ашер фикрлари тил ўрганишда базавий 3 та ғоя атрофида бирлашади:

1. Тил ўрганиш учун махсус ички био дастур мавжуд бўлиб, у биринчи ва иккинчи тилларни ривожлантириш учун оптимал йўлни белгилайди.

2. Бош мия латерализацияси бош миянинг чап ёки ўнг ярим шарларида турли ўрганиш функцияларини белгилайди.

3. Стресс (эффektiv филтp) ўрганиш ҳаракати (жараёни) ва ўрганиладиган объект орасига киради. Стресс қанчалик кам бўлса, ўрганиш шунчалик самарали (кучли) бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, Ашернинг чақалоқ боланинг тинглаб тушуниш малакаси ривожланганини биринчи ўринга қўйиши ва бу малака ҳосил бўлганидан кейингина у гапириш малакасини эгаллаши ҳақидаги фикрларини ёқлаш ва уни тил ўргатиш методикасида қўллаш мумкин. Айниқса, тил ўрганиш жараёнида стрессни камайтириш фактори ҳақидаги фикрлар диққатга сазовор. Зеро, тил ўрганишда муваффақиятга эришишнинг муҳим шартларидан бири стресснинг йўқлигидадир. Она тилини ўзлаштириш жараёни стрессдан ҳоли муҳитда кечади, аммо ёши катта одамнинг иккинчи тилни ўрганиш муҳити аксар ҳолларда сезиларли стресс ва хавотир келтириб чиқаради. Бундан қутулиш учун эса она тилини ўрганиш жараёнидаги табиий муҳитни яратиш зарур бўлади. Бу жуда маъқул фикр бўлиб, бугунги кун воқелигига мос келади. Зеро, мажбуран ҳеч қайси тилни ўргатиб бўлмайди. Аммо муаллифлар бу методнинг ҳам ўзига хос қусурлари борлигини кўрсатиб ўтишади. Шунга кўра, бизнингча, мазкур методни бошқа метод ва ёндашувлар билан уйғунликда қўллаш яхши самара беради.

Ўқув қўлланмада қизиқарли номга эга бўлган “Сукут методи”нинг тарихи, мақсад ва вазифалари, ўқув дастури, назарий фаразлар, ўқитувчи ва ўрганувчи роллари жуда яхши очиб берилган. Бу метод дарсада ўқитувчи имкон қадар жим бўлиши (кам гапириши) ва ўрганувчига ўрганилаётган тилда иложи борича кўп сўзлаш имкониятини бериш асосига қурилган. Мазкур методнинг китобда келтирилган асосий ғояларини ўзлаштириш тил ўқитиш жараёнида фойдали бўлиши шубҳасиз. Яъни, ўрганиш ўқитишдан олдин келиши лозимлиги, ўрганиш тақлид ёки такрорлаб машқ қилиб ёдлашдан иборат эмаслиги, ўрганиш ақл нимани ўрганиши лозим бўлса, шунга тайёрланиши, ўқитувчи ўрганиш жараёнига аралашиш ва ўрганиш жараёнини асосий йўлидан чалғитишни тўхтатса, ўрганиш амалга ошади. Бизнинг шароитда ҳам қўллаш мумкин бўлган метод эканлиги, бунинг учун ўқитувчига кўпроқ ижодий муҳит яратишга имконият бериш кераклиги, бироқ мазкур метод ҳам камчиликлардан ҳоли эмаслиги уқтирилади.

Ўқув қўлланмада, шунингдек, “Жамоа бўлиб тил ўқитиш методи” ҳақида ҳам таҳлилий маълумотлар берилган бўлиб, бу методни ҳам талабалар

жамоасида самарали қўллаш мумкин. Зеро, ушбу методда ўқитувчи ва талабалар бир жамоа сифатида тил ўрганишга киришадилар.

Бу метод кўпроқ ёши катта тил ўрганувчилар учун фойдали.

Китобда таъкидланишича, “Крашеннинг тил бирликларини киритиш модели” иккинчи тилни ўзлаштиришдаги энг замонавий ва оптимал методлардан ҳисобланади. Бу метод 5та асосий фараздан иборат:

1) ўзлаштириш-ўрганиш методи; 2) монитор (кузатиш) модели; 3) табиий тартиб; 4) ҳисса фарази; 5) таъсирли филтр фарази.

Муаллифлар таҳлили натижасида Крашен методидаги жуда кўп жиҳатлардан, хусусан, иккинчи тилни ўрганишга боғлиқ уч хил таъсир қиладиган ёки муносабатда бўлган ўзгарувчанлик мавжудлиги маълум бўлади: 1) мотивация (рағбат); 2) ўз-ўзига ишониш; 3) хавотир. Кўринадикки, ўқув қўлланма муаллифлари фикрига 100% қўшилиш мумкин.

Китобда суггессив метод ҳақида ҳам жуда фойдали фикрлар келтирилган. Суггессив методда асосий эътибор синфхонани безашга, жиҳозлашга, шу асосда дарсни режалаштиришга, муסיқа ишлатилиши ва ўқитувчининг яккаҳокимлиқ ҳаракатларига имкон берилишига қаратилади. Шунини таъкидлаш лозимки, мазкур методда ража йогадан олинган онгни хушёр қиладиган ҳолатлар, диққатни жалб қилиш усуллари ва ритмик (бир маромда) нафас олиш усуллари олинган. Ишонтириш, айтиш мумкинки, суггестив метод ўрганиш назариясининг юрагидир. Шунга кўра, қуйидаги базавий тушунчалар асос қилиб олинади: “обру”, “чақалоққа айлантириш”, “икки томонлиқ”, “оҳанг, ритм ва биргаликдаги псевдо сустилик (пассивлик)”. Муаллифлар мазкур методнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиб, бу методни қўллаш учун махсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар зарур бўлишини ва у иқтисодий жиҳатдан анча қимматга тушишини таъкидлайдилар.

Ўқув қўлланма муаллифлари “Тил муҳитига киришиб кетиш дастури ва мазмунга асосланган ўқитиш методи”ни изоҳлар эканлар, бунда тил муҳитига киришни уч босқичда тасвирлайдилар: 1) тил муҳитига эрта кириб кетиш; 2) тил муҳитига кечиктирилган кириб кетиш; 3) тил муҳитига кеч кириб кетиш. Бунда бир нечта фаразларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: “тил матн ва мулоқотга асосланган”, “тилни қўллаш интеграллашган (бирлашган) кўникмаларни тақазо этади”, “тил бирор мақсадда ишлатилади” ва бошқалар. Кўринадикки, бу фаразларнинг ҳар бирини тил ўқитиш методикасида ўзига хос ўрни бор.

Ўқув қўлланманинг III бўлими катта амалий аҳамиятга эга. Зеро, ушбу бўлимда тил кўникмаларига ўргатиш ва унинг таркибий қисмлари мантикий изчилликда таҳлил қилинган. Унда оғзаки нутқ кўникмаларини ҳосил қилишда, шунингдек, тинглаб тушуниш билан боғлиқ бўлган жараёнлар, яъни тинглаб тушуниш тепадан пастга ёки пастдан тепага йўналган жараён сифатида, тинглаб тушунишнинг турлари, мулоҳаза қилиш учун баъзи омиллар, тинглаб тушунишда Мендельсоннинг фикрлари, тинглашни қийинлаштирадиган омиллар, дарсдаги фаолиятнинг кетма-кетлиги, тинглашдан олдинги фаолият кабилар шарҳланиб таҳлил қилинган. Ўқув қўлланманинг яна бир ютуқли томони унда тинглаб тушунишни тўғри ташкил қилиш учун зарур бўладиган талаблар ишлаб чиқилган, уларни бажариш учун бир неча инновацион усуллар таклиф қилинган, булар: 1) қабул қилиш (англаш) учун тинглаш: сўзни таниш машқлари, такрорлаш, “ўшами, бошқами?” машқи, тўғри сўзни аниқлаш, тўғри сўзни ёзиш; 2) тушуниш учун тинглаш: визуал воситалар билан тинглаб тушунишга ёрдам бериш, суратлар, чизмалар, қўшиқ ва ҳикоялар, тинглаб, қисқа жавоблар бериш, суратли диктант ва б.

Ўқув қўлланманинг ушбу қисмида, шунингдек, сўзлашга ўргатиш, ўқишга ўргатиш, ёзишга ўргатиш борасида ҳам жуда керакли ва фойдали маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилганки, улардан нафақат чет тилини, балки она тилини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўқув қўлланманинг III бўлим VII бобида оғзаки ва ёзма кўникмаларнинг таркибий қисмлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, бунда лексикани, грамматикани, тўғри талаффузни ўргатиш борасидаги энг сўнги илмий-назарий фикрлар, янги усуллар келтирилган. Айниқса, бизга лексикани ўргатиш борасида баён қилинган фикрлар, келтирилган инновацион усуллар, яъни, “Синф тахтасига тескари туриш”, “Категориялар рўйхати”, “Сўз ўғрилари”, “Сўз урғулари”, “Сўз доминолари”, “Сўзларни эслаш” кабилар жуда ёқди. Бу усуллардан исталган тил дарсида самарали фойдаланиш мумкин.

Ўқув қўлланма юксак илмий савияда ёзилган, унда жаҳоннинг машхур олимлари Эдвард Л.Торндайк, Б.Ф.Скиннер, Пиаже, Ганье, Рожерс, Хилл, Н.Хомский, Стивен Крашен, Ван Эк, Француа Пуин, Ҳарольд Палмер, У. Лябов, Стевик, Чарльз А.Курран кабиларнинг фикрларидан фойдаланилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида XIX, XX, XXI асрларда нашр қилинган энг зарурий адабиётлар келтирилган, уларнинг кўпчилиги 2012 йилдан кейин

нашр қилинган. Ўқув қўлланманинг бу жиҳати ҳам, ўз навбатида, ўқув қўлланмалар олдида қўйилган талабларга тўла жавоб беради.

Аммо ҳамма ишларда бўлганидек, ўқув қўлланмада ҳам айрим жузъий нуқсонлар борлиги кўзга ташланди. Бу асосан ўзбек тилига таржимани амалга ошириш ва ўзбек тилида сўз қўллаш билан боғлиқ жараёнларда содир бўлган камчиликлардир. Масалан, *маъноли материал, маънодор материал, маъносиз материал* (13-бет), «шунингдек, аллақачон ўрганилган *материалнинг маънодорлиги* мавжуд синфга киритувчилар мутаносиблигининг тўғридан-тўғри функциясидир» (15-бет), «тил усуллари ўрганувчиларни *маъноли мақсадларда* тилдан прагматик ва ҳаққоний фойдаланиш фаолиятига жалб қилиш учун ишлаб чиқилган» (72-бет), «...у тил ўқитишда эътиборни *маъноли мазмунга* қаратиш лозимлигини тавсия қилган» (101-бет), «*тирик тил* (80-бет) ва б. Ишончимиз комил, бу китоб яна кўп марта қайта нашр қилинади, шунда ундаги камчиликлар бартараф қилинади.

Хуллас, ўқув қўлланма муаллифлари хорижий тажриба асосида катта ва жуда фойдали материалларни қайта ишлаб, тизимлаштириб китоб ўқувчисига тақдим қилганлар. Китоб ёши ва соҳасидан қатъий назар барчага керакли ва ўта фойдали манба бўлиб хизмат қилади. Бунда, албатта, муаллифларнинг кўп йиллик тажрибаси, билими катта роль ўйнаган. Мазкур долзарб ва аҳамиятли ўқув қўлланма билан унинг муаллифларини табриклаймиз ва ундан тил ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб қоламиз.

Саодат МУҲАМЕДОВА

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот ва замонавий педагогик технологиялар кафедраси
мудир, филология фанлари доктори